

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.13/30.12.2021.Т.142.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ИСРОИЛОВ ШУХРАТ ЮЛДАШОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ НЕРВ ТИЗИМИДА ҚЎЗГАЛИШНИНГ ТАРҚАЛИШ  
РЕГУЛЯТОРИКАСИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Исроилов Шухрат Юлдашович**

Марказий нерв тизимида кўзғалишнинг тарқалиш регуляторикасини  
математик моделлаштириш..... 3

**Исроилов Шухрат Юлдашович**

Математическое моделирование регуляторики передачи возбуждения в  
центральной нервной системе..... 21

**Isroilov Shukhrat Yuldashovich**

Mathematical modeling of excitation transmission regulation in the central nervous  
system.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.13/30.12.2021.Т.142.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ИСРОИЛОВ ШУХРАТ ЮЛДАШОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ НЕРВ ТИЗИМИДА ҚЎЗГАЛИШНИНГ ТАРҚАЛИШ  
РЕГУЛЯТОРИКАСИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/2086 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.airi.uz](http://www.airi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Хидирова Мохинисо Бахрамовна  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:** Мухамедиева Дилдора Кабиловна  
техника фанлари доктори  
Палванов Бозорбой Юсупович  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:** Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.13/30.12.2021.Т.142.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» ноябр соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 даҳаси, 17А-уй. Тел.: (99871) 263-41-98, e-mail:info@airi.uz)

Диссертация билан Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (17 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Бўз-2 даҳаси, 17А-уй. Тел.: (99871) 263-41-98).

Диссертация автореферати 2022 йил «4» ноябр куни тарқатилди.  
(2022 йил «23» октябр даги 23 рақамли реестр баённомаси).



**Н.С.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Ф.М. Нуралиев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлар доктори, доцент

**Н. Равшанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
техника фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши тиббиёт соҳасида жуда катта ютуқларга эришишга имкон яратмоқда. Марказий нерв тизими регуляторикасидаги бузилишлар натижасида турли органларда пайдо бўладиган касалликларни аниқлаш замонавий тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ҳалқаро саратон тадқиқотлари агентлиги (IARC) маълумотига кўра, «2020 йилда дунё аҳолисининг 19,3 миллионида саратон касаллиги аниқланган ва 10,0 миллиондан кўпроқ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлган. Саратон касаллигининг энг хавфли турларидан бири бўлган марказий нерв тизими бирламчи ўсимтаси (глиома касаллиги) 308 102 кишида аниқланган, шундан 251 329 киши оламдан ўтган»<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам марказий нерв тизими ва унинг касалликларини ўрганиш ҳамда ушбу касалликларга эрта ташхис қўйиш, касалликни олдини олиш ва даволаш мақсадида неврология соҳасида замонавий ва аниқ ташхис қўйиш технологияларини яратишга бўлган талаблар ортиб бормоқда. Марказий нерв тизими касалликларини келиб чиқиш сабаблари ва кечиш механизмларини ўрганиш ҳамда даволаш бўйича узок йиллардан буён бутун дунё олимлари томонидан, жумладан, Исроил, Ҳиндистон, Германия, АҚШ, Япония, Франция, Россия Федерацияси каби мамлакатларда ва Ўзбекистонда ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда марказий нерв тизимида юзага келадиган патологик ҳолатларда инсоннинг асосий ҳаётий муҳим органларида касалликларни келиб чиқиш сабабларини ва кечиш жараёнларини ўрганишда, марказий нерв тизими фаолияти регулятор механизмларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада математик ва компьютер моделларидан фойдаланиш самарали натижаларга эришиш имконини беради. Марказий нерв тизими фаолиятини тадқиқ қилувчи математик моделларни ишлаб чиқиш ўтган аср ўрталарида бошланган ва ҳозирги кунгача дунё олимлари орасида долзарб масала бўлиб келмоқда. Марказий нерв тизими бирламчи ўсимталарининг пайдо бўлиши ва ривожланиш механизмларини тадқиқ қилиш ва глиома касаллигида марказий нерв тизими ва асосий ҳаётий муҳим органлар фаолиятида патология ҳолатини аниқ башоратлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда, замон талаби ва ижтимоий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, аҳоли соғлиғини сақлаш ва тиклашга оид турли чора тадбирлар амалга оширилмоқда ва уларга асос бўлувчи бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Шулар қаторида, мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида илғор илмий ишланмалар ва технологияларни амалий соғлиқни сақлашга интеграция қилиш масаласи муҳим вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратилган. Маълумки 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

---

<sup>1</sup> <https://acsjournals.onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.3322/caac.21660>

стратегиясида « ... тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ... аҳоли саломатлигини сақлаш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш, ... соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш, ... ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйиш»<sup>2</sup> каби аҳоли соғлиғини сақлаш тизимини такомиллаштиришга оид мақсадли дастурларни амалга ошириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилган. Бу борада олиб бориладиган илмий изланишлар, тиббий соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва аҳоли саломатлигини сақлаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳаларни қўллаб қувватлаш масалалари асосий мақсад ва вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Марказий нерв тизими касалликларини эрта ва аниқ ташхислашнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, марказий нерв тизими фаолиятини тадқиқ қилиш бўйича бир қатор олимлар: В. В. Майоров, И. Ю. Мышкин, С. Ю. Коваленко, А. С. Братусь, В.В. Матросов, A.L.Hodgkin, A.F. Huxley, K.R. Swanson, P. Fries, J.D. Murray, Y. Kuramoto, Christian Bick, Subhas Hajanchi, G.V. Ermentrout, ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган. Улар томонидан турли математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва компьютер моделлар ишлаб чиқилган бўлиб, марказий нерв тизими касалликларини келиб чиқиш сабабларини

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони

аниқлаш бўйича самарали натижаларга эришилган ва ташқи таъсир натижасида марказий нерв тизими фаолиятини ўзгариши тадқиқ қилинган.

Ўзбекистонда ҳам тирик тизимлар фаолиятини турли даражалардаги биологик ва математик моделлаштириш ва уларнинг фаолиятини тадқиқ қилиш бўйича В.К. Қобулов, А.В. Қобулов, Б.Н. Хидиров, М. Сайдалиева, М.Б. Хидирова, М. Арипов, Д.К.Мухамедиева, А.Р.Шакаров, А.М.Турғунов, З.Д.Юсупова ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Аммо марказий нерв тизими касалликларини эрта ва аниқ ташхислаш, даволаш бўйича жуда кўп илмий изланишлар олиб борилган бўлсада, жаҳон миқёсида бу масала ҳозирги кунгача ўз долзарблигини йўқотмаган. Чунки, марказий нерв тизими фаолияти ва касалликларининг келиб чиқиш регулятор механизмлари тўлиқ ўрганилмаган, марказий нерв тизими фаолияти регулятор механизмларини тўлиқ ифодалайдиган моделлар мавжуд эмас. Мавжуд математик моделларда баъзи асосий омиллар ҳисобга олинмаганлиги боис моделларни такомиллаштиришга ёки янги моделлар ишлаб чиқишга эҳтиёж сезилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф4-ФА-Ф006-«Тирик тизимлар регуляторикаси инфор­мацион технологиясининг назарий асослари ва услубларини яратиш» (2012-2016) ва БВ-М-Ф4-002-«Норма ва зарарли ўсимталар ҳолатларида инсон организми асосий тизимлари орасидаги ўзаро боғлиқ регуляторикаси инфор­мацион технологиясининг фундаментал асосларини яратиш» (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** марказий нерв тизими фаолияти регулятор механизмларини тадқиқ қилиш учун математик модел, сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурлар мажмуасини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

марказий нерв тизимида кўзғалишни тарқалиш жараёни ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти ва улар орасидаги фазовий-вақтий муносабатлар ҳамда биологик қайта алоқа механизмларини инобатга олган ҳолда кечикувчи аргументли функционал-дифференциал тенгламалар тизими кўринишидаги математик модел ишлаб чиқиш;

марказий нерв тизимида кўзғалишни тарқалиш жараёни ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти математик модел тенгламаларини ечимларининг мавжудлиги, ягоналиги, узлуксизлиги, номанфийлиги ва чегараланганлигини таҳлил қилиш;

марказий нерв тизими бирламчи ўсимтаси пайдо бўлиши ва ривожланиши регулятор механизмларини тадқиқ қилиш учун математик модел ишлаб чиқиш;

марказий нерв тизими бирламчи ўсимтаси пайдо бўлиши ва ривожланиши регуляторикаси математик модел тенгламаларининг мувозанат нуқталарида турғунлиги ҳамда «қора ўрама» га ўтиш шарти текшириш;

марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регулятор механизмларининг «қора ўрама» ва динамик хаос ҳолатини таҳлил қилиш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

нормал ҳолатда ва патологияларда марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регулятор механизмлари қонуниятларини тадқиқ қилиш дастурий воситаларини ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш экспериментини амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида марказий нерв тизими фаолияти регулятор механизмлари қаралган.

**Тадқиқотнинг предмети** марказий нерв тизими фаолияти регулятор механизмларини математик модели, алгоритмлари ва сонли таҳлил қилиш дастурий воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида кечикувчи аргументга эга бўлган функционал-дифференциал тенгламалар тизимини сифат таҳлил қилиш назарияси, математик моделлаштириш назарияси, алгоритмлаш назарияси, марказий нерв тизими фаолияти регулятор механизмларини модел ва дастурий воситасини ишлаб чиқиш усул ва тамойиллари, сонли усуллардан фойдаланилади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолиятини ҳамда биологик қайта алоқа механизмларини инобатга олувчи биологик схема ишлаб чиқилган;

биологик схема асосида марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регуляторикаси учун кечикувчи аргументли функционал-дифференциал тенгламалар тизимидан иборат математик модели ишлаб чиқилган;

митотик бўлинишни амалга оширадиган глиал ҳужайранинг функционал ҳолати регуляторикаси асосида марказий нерв тизими бирламчи ўсимтаси пайдо бўлиши ва ривожланиши регулятор механизмларини тадқиқ қилиш математик модели ишлаб чиқилган;

марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регулятор механизмларининг норма ва патологик ҳолатлари, динамик хаос соҳасидаги «r-windows» ҳамда «қора ўрама» соҳасини аниқлаш масаласини ечиш учун сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регулятор механизмларини ифодаловчи математик модел ишлаб чиқилган;

модел тадқиқоти асосида марказий нерв тизимида кўзғалишни тарқалиши математик моделининг даврий тебранма ва нерегуляр тебранма ҳаракати, динамик хаос режимида «r-windows» соҳаларининг мавжудлиги, «қора



ўрама» соҳаси мавжудлиги, яъни бунда марказий нерв тизими фаолияти тўсатдан тўхтаб қолиш ҳолатини ифодалаш хусусиятига эгаллиги аниқланган;

марказий нерв тизими фаолияти регулятор механизмларини сонли таҳлил қилувчи, динамик хаос режимида ишлаш фаолияти, яъни патология ҳолатини таҳлилловчи, «қора ўрама» соҳасига тушиб қолиш, яъни марказий нерв тизими тўсатдан тўхтаб қолишини башоратловчи дастурий воситалари яратилган;

яратилган дастурий воситаларда олиб борилган ҳисоблаш экспериментлари натижасида марказий нерв тизими ва ҳаётини муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регулятор механизмлари параметрик тасвири тузилган ва таҳлил қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** шу билан асосланадики, марказий нерв тизими фаолияти регулятор механизмларининг математик ва компьютер модели марказий нерв тизимида қўзғалишнинг тарқалиш жараёнини қатъий аниқланган, ишончли биологик қонуниятлар асосида ишлаб чиқилган ва тадқиқот ишидан олинган назарий натижалар неврология соҳасида маълум бўлган тажрибавий маълумотлар билан таққосланиб, математик ва компьютер моделлари натижаларини тўғри акс этишини босқичма-босқич баҳолаш орқали текширилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, марказий нерв тизими регулятор механизмлари фаолиятини математик модел тенгламалари ечимларининг биологик қонуниятларга мос келувчи шартлари асослаб бериш имконини беради. Ушбу модел марказий нерв тизими регуляторикасини норма ва патология ҳолатларда математик моделлаштиришда ва тирик тизимлар фаолиятини ифодаловчи биологик назарияни ривожланишида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган сонли ҳисоблаш усуллари ва дастурлар мажмуаси марказий нерв тизими регулятор механизмлари учун ҳисобий тажрибалар ўтказишга имкон беради ҳамда марказий нерв тизими бирламчи ўсимталарининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва асорат-оқибатларини олдиндан компьютер ёрдамида башорат қилиш ва ташхис қўйиш таъминотининг яратилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Марказий нерв тизими регуляторикасини норма ва патология ҳолатларда тадқиқ қилиш учун ишлаб чиқилган математик модел, сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларни амалиётда жорий этилиш натижалари:

марказий нерв тизими ва асосий ҳаётини муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолиятида нормал ва патологик ҳолатларни сонли таҳлил қилиш дастурий воситаси Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1- клиникасида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 7 июндаги 33-8/3505-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаси марказий нерв тизими ва асосий ҳаётини муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолиятида нормал ва патологик ҳолатларни олдиндан башорат қилиш ва ташхис қўйиш имконини берган;

марказий нерв тизими ва асосий ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолиятини норма ва патологик ҳолатларда тадқиқ қилган ҳолда динамик хаос ва «r-windows»лар мавжудлигини аниқлаш дастурий воситаси “SHUKRONA MED CLINIC” тиббий- диагностика ва даволаш марказида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 7 июндаги 33-8/3505-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида марказий нерв тизими ва асосий ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолиятида кузатилиши мумкин бўлган касалликларнинг турли патологик ҳолатларини олдиндан башорат қилиш вақтини 1.5-2 марта қисқартириш ҳисобига эрта ташхис қўйиш имконини берган;

марказий нерв тизими бирламчи ўсимталарининг пайдо бўлиши ва ривожланишини эрта ва тез аниқлаш, глиома касаллигининг патологик ҳолатини баҳолаш дастурий воситаси «SHABNAM SHIFO-YOG'DUSI» МЧЖ хусусий клиникасида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 7 июндаги 33-8/3505-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида марказий нерв тизими хужайраларининг тартибсиз бўлиниши натижасида пайдо бўладиган глиома касаллигига эрта ташхис қўйиш самарадорлигини 4-6% га ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот иши натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 9 та мақола, 5 таси хорижий ва 4 таси Республика журналларида нашр қилинган ҳамда 4 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 109 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқот илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Марказий нерв тизимида кўзғалишнинг тарқалишни математик моделлаштириш**» деб номланган биринчи бобида марказий нерв тизими тузилиши, кўзғалишни ўтказиш тизими фаолияти ўрганилиб, унинг асосида марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар

Ўзаро боғлиқ фаолияти регулятор механизмларининг биологик схемаси ишлаб чиқилган; марказий нерв тизими фаолиятини математик моделлаштиришга оид адабиётлар таҳлил қилинган ва натижада ушбу диссертация ишида кўзланган масалалар белгилаб олинган. Ишлаб чиқилган биологик схемага асосланиб, марказий нерв тизими ва ҳаётини муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регулятор механизмларини математик моделлаштиришда кечикувчи аргументга эга бўлган, (1) функционал-дифференциал тенгламалар тизими тузиб олинган.

$$\begin{aligned}
 \frac{dM(t)}{dt} &= \frac{a_1 M(t-h)H(t-h)L(t-h)J(t-h)S(t-h)K(t-h)T(t-h)}{1+M^2(t-h)H^2(t-h)L^2(t-h)J^2(t-h)S^2(t-h)K^2(t-h)T^2(t-h)} - b_1 M(t), \\
 \frac{dH(t)}{dt} &= \frac{a_2 M(t-h)H(t-h)}{1+M^2(t-h)H^2(t-h)} - b_2 H(t), \\
 \frac{dL(t)}{dt} &= \frac{a_3 M(t-h)L(t-h)}{1+M^2(t-h)L^2(t-h)} - b_3 L(t), \\
 \frac{dJ(t)}{dt} &= \frac{a_4 M(t-h)J(t-h)}{1+M^2(t-h)J^2(t-h)} - b_4 J(t), \\
 \frac{dS(t)}{dt} &= \frac{a_5 M(t-h)S(t-h)}{1+M^2(t-h)S^2(t-h)} - b_5 S(t), \\
 \frac{dK(t)}{dt} &= \frac{a_6 M(t-h)K(t-h)}{1+M^2(t-h)K^2(t-h)} - b_6 K(t), \\
 \frac{dT(t)}{dt} &= \frac{a_7 M(t-h)T(t-h)}{1+M^2(t-h)T^2(t-h)} - b_7 T(t),
 \end{aligned} \tag{1}$$

$t > h$ , бошланғич шартлар  $M(t) = \gamma_1(t)$ ;  $H(t) = \gamma_2(t)$ ;  $L(t) = \gamma_3(t)$ ;  $J(t) = \gamma_4(t)$ ;  $S(t) = \gamma_5(t)$ ;  $K(t) = \gamma_6(t)$ ;  $T(t) = \gamma_7(t)$ ;  $t \in [0, h]$ , бу ерда  $M(t), H(t), L(t), J(t), S(t), K(t), T(t)$  - мос ҳолда ҳаётини муҳим органлар: мия, юрак, ўпка, жигар, талоқ, буйрак, терининг фаолликларини ифодаловчи катталиклар;  $\{a\}, \{b\}$  коэффициентлар – мос ҳолда ҳаётини муҳим органлар: мия, юрак, ўпка, жигар, талоқ, буйрак, терининг фаолликларининг ортиш ва пасайиш тезликларини ифодалайди.

(1) тенгламалар тизимида ўзгарувчи ва параметрлар сони кўплиги сабабли, уни тадқиқ қилиш мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли, (1) тенгламалар тизимини редукция усули ва масштаблаштириш амали ёрдамида куйидаги (2) кўринишга келтирилган:

$$\frac{1}{h} \frac{dZ(\theta)}{d\theta} = \frac{a_1 Z^5(\theta-1) \sqrt{G(AZ^6(\theta-1) - BZ^5(\theta-1) + CZ^4(\theta-1) - DZ^3(\theta-1) + EZ^2(\theta-1) - FZ(\theta-1) + G)}}{GZ^{10}(\theta-1) + AZ^6(\theta-1) - BZ^5(\theta-1) + CZ^4(\theta-1) - DZ^3(\theta-1) + EZ^2(\theta-1) - FZ(\theta-1) + G} - b_1 Z(\theta) \tag{2}$$

$$\theta > 1, \quad Z(\theta) = \gamma(\theta); \quad \theta \in [0; 1],$$

бу ерда  $Z(\theta)$  - марказий нерв тизими ва ҳаётини муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти фаоллигини ифодаловчи катталик;  $a_1, b_1$  - коэффициентлар- мос равшда марказий нерв тизими фаоллигининг ўсиши ва пасайиши кесатгичларини ифодалайди;  $A, B, C, D, E, F, G$  - номанфий параметрлар.

Диссертациянинг «Марказий нерв тизимида кўзғалишнинг тарқалиш регуляторикаси математик моделини сифат таҳлил қилиш» деб номланган иккинчи бобида математик моделнинг сифат таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинади.

Маълумки, марказий нерв тизимида кўзғалишнинг тарқалиш регуляторикаси математик модели тенгламалари мураккаб, ночизиқ функционал-дифференциал тенгламалар системаси ҳисобланиб, модел тенгламаларини кетма-кет интеграллаш усули орқали ечиш ва таҳлил қилиш мумкин.  $[0,1]$  кесмада  $Z(\theta)$  берилган узлуксиз  $\gamma(\theta)$  функцияга тенг ҳоли учун  $(1,2]$  кесмадаги ечимларини топамиз

$$\begin{aligned} \frac{1}{h} \frac{dZ(\theta)}{d\theta} = & \\ = & \frac{a_1 \gamma^5(\theta-1) \sqrt{G(A\gamma^6(\theta-1) - B\gamma^5(\theta-1) + C\gamma^4(\theta-1) - D\gamma^3(\theta-1) + E\gamma^2(\theta-1) - F\gamma(\theta-1) + G)}}{G\gamma^{10}(\theta-1) + A\gamma^6(\theta-1) - B\gamma^5(\theta-1) + C\gamma^4(\theta-1) - D\gamma^3(\theta-1) + E\gamma^2(\theta-1) - F\gamma(\theta-1) + G} - b_1 Z(\theta). \end{aligned} \quad (3)$$

Ечимни  $Z(\theta) = Y(\theta)e^{-b_1 h \theta}$  каби қидирамиз, у ҳолда

$$\begin{aligned} Z(\theta) = Z(1)e^{b_1 h(1-\theta)} + & \\ + h \int_1^\theta e^{b_1 h(\tau-\theta)} \frac{a_1 \gamma^5(\tau-1) \sqrt{G(A\gamma^6(\tau-1) - B\gamma^5(\tau-1) + C\gamma^4(\tau-1) - D\gamma^3(\tau-1) + E\gamma^2(\tau-1) - F\gamma(\tau-1) + G)}}{G\gamma^{10}(\tau-1) + A\gamma^6(\tau-1) - B\gamma^5(\tau-1) + C\gamma^4(\tau-1) - D\gamma^3(\tau-1) + E\gamma^2(\tau-1) - F\gamma(\tau-1) + G} d\tau \end{aligned} \quad (4)$$

тенгликга эга бўламиз. (4) тенглик (3) тенгламанинг  $(1,2]$  даги ечими ва  $(2,3]$  учун бошланғич функция ҳисобланади. Ушбу кетма-кет интеграллаш жараёни  $t > 1$  учун (2) тенгламанинг узлуксиз ечимларини топиш имконини беради ва бу жараён давом эттириб, ечимлар мавжудлиги ва узлуксизлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

(3) тенгламанинг  $(1,2]$  кесмада ечимларнинг ягоналигини текшираемиз.  $[0,1]$  ораликда  $Z_0(\theta) = \gamma(\theta)$  ягона ечимга эга бўлса, фараз қилайлик,  $(1,2]$  кесмада (2) тенглама 2 та ечимга эга бўлсин.  $Z_1(\theta)$  ва  $Z_2(\theta)$  ифодалар ечимларнинг фарқларини текшираемиз ва қуйидаги тенгликка эга бўламиз:

$$Z_1(\theta) - Z_2(\theta) = (Z_1(1) - Z_2(1))e^{b_1 h(1-\theta)}$$

бу ерда  $Z_1(1) = Z_2(1)$  ечимларнинг узлуксизлигини ва шу нуқтада ечимларнинг ягоналигини ҳисобга оладиган бўлсак,  $\theta \in (1,2]$  ораликда  $Z_1(\theta) = Z_2(\theta)$  ўринли бўлади. Демак, бундан (2) тенгламанинг  $(1,2]$  кесмадаги ечимлари ягона эканлиги келиб чиқади. Шу каби кетма-кет интеграллаш амалини давом этиб, (1.20) тенгламанинг  $\theta > 1$  ҳолдаги ечимлари ягона эканлигини кўришимиз мумкин.

(2) тенглама параметрларининг номанфий қийматларида  $Z(\theta)$  ва  $Z(\theta-1)$  нинг жуда катта қийматларида (2) тенгламанинг ўнг томони биринчи ҳади

$$\lim_{Z(\theta-1) \rightarrow \infty} \frac{a_1 Z^5(\theta-1) \sqrt{G(AZ^6(\theta-1) - BZ^5(\theta-1) + CZ^4(\theta-1) - DZ^3(\theta-1) + EZ^2(\theta-1) - FZ(\theta-1) + G)}}{GZ^{10}(\theta-1) + AZ^6(\theta-1) - BZ^5(\theta-1) + CZ^4(\theta-1) - DZ^3(\theta-1) + EZ^2(\theta-1) - FZ(\theta-1) + G}$$

каби бўлади. У ҳолда тенгламани

$$\frac{1}{h} \frac{dZ(\theta)}{d\theta} = -b_1 Z(\theta)$$

кўринишда ёзиш мумкин ва тенгламанинг

$$Z(\theta) = \gamma(1) + e^{-b_1 h \theta}$$

ечими чегараланган эканлиги кўриниб турибди. Бундан келиб чиқадики, (2) тенгламанинг ечимлари ҳам чегараланган бўлади.

Марказий нерв тизими бирламчи ўсимталарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши регулятор механизмлари тенгламасининг мувозанат нуқталарида турғунлигини текшираемиз.

Митотик бўлинишни амалга оширадиган глиал хужайранинг функционал ҳолати регуляторикасини қуйидаги тенгламалар тизими билан ифодаланиши мумкин:

$$\begin{aligned} \frac{dM(t)}{dt} &= \frac{a_1 M^n(t-h) B^m(t-h)}{c + qM^k(t-h) + rB^l(t-h)} - b_1 M(t); \\ \frac{dB(t)}{dt} &= a_2 M(t-h) - b_2 B(t), \end{aligned} \quad \begin{cases} M(t) = \alpha(t); t \in [0; h], \\ B(t) = \beta(t); t \in [0; h]. \end{cases} \quad (5)$$

бу ерда  $M(t)$ ,  $B(t)$  – глиал хужайралар бўлиниши ва буфер хужайра гуруҳлари сонини ифодаловчи қийматлар;  $a_1$  –  $M$  да хужайра бўлиниш тезлигини ифодалайди;  $b_1$  – буфер зонасида бўлинадиган хужайраларни камайиш тезлиги;  $a_2$  – буфер зонасидаги хужайраларнинг кўпайиш тезлиги;  $b_2$  – буфер зонасидаги хужайраларининг камайиш тезлиги.  $h$  – вақт параметри (ўртача қайта алоқа вақти);  $k, l$  - регуляторга нисбатан репрессив даражани ифодаловчи мусбат доимий,  $n, m$  - полуфератив фаза ресурсларни таъминлаш даражасини ифодаловчи мусбат доимий.

Кечикувчи аргументга эга бўлган функционал-дифференциал тенглама кўринишидаги соддалаштирилган қуйидаги тенгламасига эга бўламиз

$$\begin{aligned} \varepsilon \frac{dX(\theta)}{d\theta} &= \frac{\mu X^p(\theta-1)}{b + cX^r(\theta-1) + eX^r(\theta-1)} - X(\theta), \\ \theta > 1, \quad Z(\theta) &= \psi(\theta), \quad \theta \in [0, 1], \end{aligned} \quad (6)$$

(6) модел ечимларининг турғунлигини Хейс критерийси бўйича текширилди. Моделнинг  $\eta$  мувозанат ҳолати атрофида чизиклаштириш усулидан фойдаланиб чизиклаштирамиз ва

$$\varepsilon \frac{dx(t)}{dt} = \left( p - \frac{r(c+e)\eta^r}{b + (c+e)\eta^r} \right) x(t-1) - x(t) \quad (7)$$

кўринишдаги чизиклаштирилган тенгламага эга бўламиз. (7) тенглама учун характеристик тенгламани қуйидагича кўринишда тузиб оламиз:

$$\left(\lambda + \frac{1}{\varepsilon}\right)e^{\lambda} + \left(\frac{r(c+e)\eta^r}{b+(c+e)\eta^r} - p\right)\frac{1}{\varepsilon} = 0. \quad (8)$$

Ҳосил бўлган (8) характеристик тенглама учун Хейс критерияси шартлари қуйидагича:

$$\begin{aligned} 1. \frac{1}{\varepsilon} &> -1, \\ 2. \eta &> \sqrt[r]{\frac{pb-b}{(c+e)(r-p+1)}}, \\ 3. \eta &< \sqrt[r]{\frac{b+pb}{(r-p-1)(c+e)}}. \end{aligned} \quad (9)$$

Агар  $\eta$  мувозанат нуқтада (9) шартларини қаноатлантирса, Хейс критерийси шартлари асосида (6) тенглама мувозанат нуқтаси турғун, акс ҳолда нотурғун ҳисобланади.

(6) тенгламанинг мувозанат нуқталари турғунлиги бузилса, у ҳолда динамик хаос режими ва «қора ўрама» эффеќти кузатилиши мумкин. Тенгламанинг «қора ўрама» режими кузатилиши шартини текширамыз. ҳисоблаш ва белгилашлардан сўнг «қора ўрама» режими мавжудлик шартини қуйидагича келтирамыз:

$$\frac{\mu(\delta f)^p}{b + \beta(\delta f)^r} < X_1. \quad (10)$$

(10) шарт «қора ўрама» режимининг мавжудлик шарти.

Диссертациянинг «**Марказий нерв тизимида қўзғалишнинг тарқалиш регуляторикаси тенгламаларининг сонли таҳлили**» деб номланган учинчи бобида марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регуляторикасининг математик модели тенгламаларини сонли ечиш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регуляторикаси сонли ечимларини тўртинчи тартибли аниқликдаги Рунге–Кутта усулидан фойдаланган ҳолда оламыз:

$$\begin{aligned} M(t_0) &= M_0; H(t_0) = H_0; L(t_0) = L_0; J(t_0) = J_0; S(t_0) = S_0; K(t_0) = K_0; T(t_0) = T_0; \\ t_i &= t_{i-1} + h; h = 0.001; i = 1, 2, \dots \quad M(t_{i+1}) = M(t_i) + h \frac{k_1 + 2k_2 + 2k_3 + k_4}{6}; \\ H(t_{i+1}) &= H(t_i) + h \frac{l_1 + 2l_2 + 2l_3 + l_4}{6}; \quad L(t_{i+1}) = L(t_i) + h \frac{m_1 + 2m_2 + 2m_3 + m_4}{6}; \\ J(t_{i+1}) &= J(t_i) + h \frac{n_1 + 2n_2 + 2n_3 + n_4}{6}; \quad S(t_{i+1}) = S(t_i) + h \frac{p_1 + 2p_2 + 2p_3 + p_4}{6}; \\ K(t_{i+1}) &= K(t_i) + h \frac{q_1 + 2q_2 + 2q_3 + q_4}{6}; \quad T(t_{i+1}) = T(t_i) + h \frac{r_1 + 2r_2 + 2r_3 + r_4}{6}; \end{aligned} \quad (11)$$

$M(t_i - 1)$ ,  $H(t_i - 1)$ ,  $L(t_i - 1)$ ,  $J(t_i - 1)$ ,  $S(t_i - 1)$ ,  $K(t_i - 1)$  ва  $T(t_i - 1)$  ифодаларнинг қийматларини ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

Агар  $t_i - 1 < t_0$  бўлса,  $M(t_i - 1) = M(t_0)$ ;  $H(t_i - 1) = H(t_0)$ ;  $L(t_i - 1) = L(t_0)$ ;

$J(t_i - 1) = J(t_0)$ ;  $S(t_i - 1) = S(t_0)$ ;  $K(t_i - 1) = K(t_0)$ ;  $T(t_i - 1) = T(t_0)$ ;

Агар  $t_i - 1 = t_j$  бўлса,  $M(t_i - 1) = M(t_j)$ ;  $H(t_i - 1) = H(t_j)$ ;  $L(t_i - 1) = L(t_j)$ ;

$J(t_i - 1) = J(t_j)$ ;  $S(t_i - 1) = S(t_j)$ ;  $K(t_i - 1) = K(t_j)$ ;  $T(t_i - 1) = T(t_j)$ ;

Агар  $t_j < t_i - 1 < t_{j+1}$  бўлса,  $M(t_i - 1) = (\sigma_i'' M(t_j) + \sigma_i' M(t_{j+1})) / h$ ;  $H(t_i - 1) = (\sigma_i'' H(t_j) + \sigma_i' H(t_{j+1})) / h$ ;

$L(t_i - 1) = (\sigma_i'' L(t_j) + \sigma_i' L(t_{j+1})) / h$ ;  $J(t_i - 1) = (\sigma_i'' J(t_j) + \sigma_i' J(t_{j+1})) / h$ ;


$S(t_i - 1) = (\sigma_i'' S(t_j) + \sigma_i' S(t_{j+1})) / h$ ;  $K(t_i - 1) = (\sigma_i'' K(t_j) + \sigma_i' K(t_{j+1})) / h$ ;


$T(t_i - 1) = (\sigma_i'' T(t_j) + \sigma_i' T(t_{j+1})) / h$ ;  $\sigma_i'' = (t_i - t_j) - 1$ ,  $\sigma_i' = h - \sigma_i''$ ;  $i = 1, 2, \dots$ ;  $j = 1, 2, \dots, i$ .

Марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳм органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регуляторикасини ҳисоб таҳлил қилиш фойдаланувчилар учун қулай визуаллашган дўстона интерфейсни яратишни талаб қилади.

Диссертациянинг «Марказий нерв тизимида касалликлар кечув механизмларини тадқиқ қилишда математик моделлаштириш усуллари қўллаш» деб номланган тўртинчи бобида ҳисоблаш тажрибаларидан олинган натижалар ва уларнинг таҳлиллари келтирилган.


Ҳисоб тажрибаларда марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳм органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регулятор механизмларининг аниқланган режимларидан бир нечтасини келтирамиз (1-расм):





1-расм. Ҳисоблаш тажрибалари натижалари

Ҳисоблаш тажрибалари натижаси асосида, параметрларнинг хусусий ҳолида  $a_2=24$ ;  $a_3=18$ ;  $a_4=13$ ;  $a_5=15$ ;  $a_6=23$ ;  $a_7=33$ ;  $b_2=4$ ;  $b_3=6$ ;  $b_4=8$ ;  $b_5=4$ ;  $b_6=5$ ;  $b_7=7$ ;  $h=0.01$  қийматларида ва  $a_1$ ,  $b_1$  параметрларининг турли қийматларида параметрик тасвири тузилди(2- расм).




2- расм. Марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар фаолияти регулятор механизмлари параметрик тасвири

Параметрик тасвирда E- сўнувчи соҳа, D-«қора ўрама» соҳа, A- стационар соҳа, F-даврий тебранма соҳа, r-windows, C-динамик хаос соҳалари келтирилган. Параметрик тасвир қаралаётган тизимнинг қандай режими кузатилишини аниқлаш имконини беради.


Марказий нерв тизими ва асосий ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регуляторикаси динамик хаос режимини таҳлил қилишда «қора ўрама» режими мавжудлиги ва унга ўтиш мумкинлигини ҳам таҳлил қилиш зарур. Динамик хаос соҳасини таҳлил қилиш учун (2) тенгламанинг дискрет кўриниши (12) тенглама асосида «Ламерея диаграммаси» дастурий таъминоти ишлаб чиқилди(3-4-расм).

$$Z_{i+1} = \frac{a_1 Z_i^5 \sqrt{G(AZ_i^6 - BZ_i^5 + CZ_i^4 - DZ_i^3 + EZ_i^2 - FZ_i + G)}}{b_1 (GZ_i^{10} + AZ_i^6 - BZ_i^5 + CZ_i^4 - DZ_i^3 + EZ_i^2 - FZ_i + G)} \quad (12)$$





**3- расм. Динамик хаос режими**



**4- расм. «Қора ўрама» режими**

Олинган натижаларга кўра, марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регулятор механизмлари параметрларининг турли қийматларида стационар, регуляр даврий тебранма, динамик хаос–норегуляр тебранма ва «қора ўрама» режимлари мавжудлиги кузатилди.


Динамик хаос режимида ишлаш механизмларини тадқиқ қилишда Ляпунов кўрсаткичини ҳисоблаш усулидан фойдаланиш самарали натижа беради. Ляпунов кўрсаткичини ҳисоблаш усулидан фойдаланиб, нормал ва динамик хаос режимларида марказий нерв тизими ҳолатини турғунлигини баҳолаш мумкин.

(12) дискрет аналог тенглама асосида Ляпунов кўрсаткичи ва « $r$ -windows»ларни аниқлаш учун дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Ушбу дастурий таъминот марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регуляторикаси динамик хаос режимини таҳлил қилиш ва ундаги мавжуд « $r$ -windows»ларни аниқлаш имконини беради(5-расм).




5- рasm. Ляпунов қиймати ва «r-windows» лар сони

Глиома касаллигини келтириб чиқарувчи марказий нерв тизими глиал ҳужайралари фаолиятини тез- тез ўзгариб туриш хусусиятига эга. Шунинг учун глиал ҳужайраларнинг тартибсиз бўлиниши натижасида пайдо бўладиган Глиома касаллигининг турли клиник шаклларини аниқлаш ва тадқиқ қилиш учун дастурий восита ишлаб чиқилди(6-рasm).



а)



б)

6-рasm. Ҳисоблаш тажрибалари натижалари: а) даврий тебранма режими; б) нерегуляр тебранма (хаос) режими

## ХУЛОСА

«Марказий нерв тизимида кўзғалишнинг тарқалиш регуляторикасини математик моделлаштириш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регулятор механизмлари тадқиқ қилувчи, биологик қайта алоқа механизмларини инобатга олувчи биологик схема ишлаб чиқилди. Ушбу биологик схема асосида кечикувчи аргументга эга бўлган функционал-дифференциал тенгламалар тизимидан иборат математик модел ишлаб чиқилди. Математик модел тенгламалари ечимларининг мавжудлиги, ягоналиги, узлуксизлиги, номанфийлиги, чегараланганлиги текширилди.

2. Марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регуляторикаси математик модел тенгламаларини сонли ҳисоблаш алгоритмлари тузилди ва дастурлар мажмуаси яратилди. Дастурлар мажмуаси ҳисобий тажрибаларини ўтказишга хизмат қилади.

3. Марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолиятида нормал ва патологик ҳолатларни сонли таҳлил қилиш дастурий мажмуи “Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникаси” амалиётига жорий қилинди. Натижада марказий нерв тизими ва асосий ҳаётий органлар ўзаро боғлиқ фаолиятида нормал ҳолат ва турли патологияларни олдиндан башорат қилиш ва ташхис қўйиш имконини берди.

4. Марказий нерв тизими бирламчи ўсимталарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши регулятор механизмлари математик модел ишлаб чиқилди ва мувозанат нукталарининг турғунлиги Хейс критерийси шартлари бўйича текширилиб, сонли ҳисоблаш усуллари ҳамда дастурий восита яратилди. Дастурий восита глиома касаллигининг кечиш механизмларини таҳлил қилиш учун хизмат қилади.

5. Марказий нерв тизими бирламчи ўсимталарининг пайдо бўлиши ва ривожланиши регулятор механизмларини сонли таҳлил қилиш дастурий воситаси «SHABNAM SHIFO-YOG'DUSI» МЧЖ хусусий клиникасида жорий қилинди. Натижада марказий нерв тизими хужайраларининг тартибсиз бўлиниши натижасида пайдо бўладиган глиома касаллигига эрта ташхис қўйиш самарадорлигини 4-6% га ошириш ва оптимал даволаш тактикасини ишлаб чиқиш имконини берди.

6. Марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолиятида нормал ва патологик ҳолатлари регулятор механизмларининг биологик қонуниятларига мос келувчи параметрик тасвир тузилди. Натижада марказий нерв тизими фаолиятида турли режимлар мавжудлигини аниқлашга хизмат қилди.

7. Марказий нерв тизими ва ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолияти регуляторикаси динамик хаос ва «қора ўрама» режимларини таҳлил қилиш дастурий мажмуаси “SHUKRONA MED CLINIC” тиббий-диагностика ва даволаш маркази амалиётида жорий қилинди. Натижада марказий нерв тизими ва асосий ҳаётий муҳим органлар ўзаро боғлиқ фаолиятида

кузатилиши мумкин бўлган касалликларнинг турли патологик ҳолатларини олдиндан башорат қилиш вақтини 1.5-2 марта қисқартириш ҳисобига эрта ташхис қўйиш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.13/30.12.2021.Т.142.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВЫХ  
ТЕХНОЛОГИЙ И ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ РАЗВИТИЯ  
ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА**

**ИСРОИЛОВ ШУХРАТ ЮЛДАШОВИЧ**

**МАТЕМАТИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ РЕГУЛЯТОРИКИ  
ПЕРЕДАЧИ ВОЗБУЖДЕНИЯ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ НЕРВНОЙ  
СИСТЕМЕ**

05.01.07 – Математическое моделирование. Численные методы и комплексы программ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

The topic of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) in technical sciences is registered with the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2021.1.PhD/2086.

The dissertation was completed at the Research Institute for the Development of Digital Technologies and Artificial Intelligence.

The abstract of the dissertation in three languages (Uzbek, Russian, English (summary)) is posted on the web page of the Scientific Council ([www.airi.uz](http://www.airi.uz)) and on the Information and Educational Portal «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Scientific adviser:</b>	<b>Hidirova Mohiniso Bahromovna</b> doctor of technical sciences, senior researcher
<b>Official opponents:</b>	<b>Mukhamediyeva Dildora Kabilovna</b> doctor of technical sciences <b>Palvanov Bozorboy Yusupovich</b> doctor of philosophy in technical sciences
<b>Leading organization:</b>	<b>Samarkand State University named after Sharof Rashidov</b>

The defense will take place “18” november 2022 at 10<sup>00</sup> the meeting of Scientific council No.DSc.13/30.12.2021.T.142.01 at Research Institute for Development of Digital Technologies and artificial Intelligence (Address: 100125, Tashkent city, M.Ulugbek district, Buz-2, 17A. Tel.: (+99871) 263-41-98, e-mail: [info@airi.uz](mailto:info@airi.uz)).

The dissertation can be reviewed at the Information Resource Centre of the Research Institute for Development of Digital Technologies and artificial Intelligence (is registered under No. 17). (Address: 100125, Tashkent city, M.Ulugbek district, Buz-2, 17A. Tel.: (+99871) 263-41-98).

Abstract of dissertation sent out on “4” november 2022 y.  
(mailing report No. 23 on “23” october 2022 y.).



*CSP*

**N.S.Mamatov**  
Chairman of the scientific council  
awarding scientific degrees,  
Doctor of Technical Sciences, Professor

*F.M.*

**F.M.Nuraliev**  
Scientific secretary of scientific council  
awarding scientific degrees,  
Doctor of Technical Sciences, Docent

*N.R.*

**N.Ravshanov**  
Chairman of the academic seminar under the  
scientific council awarding scientific degrees,  
Doctor of Technical Sciences, Professor

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире развитие современных информационно-коммуникационных технологий позволяет достичь самых высоких результатов в сфере медицины. Диагностика заболеваний различных органов, возникающих в результате нарушений регуляторики центральной нервной системы, является одной из актуальнейших проблем современной медицины. По сведениям Международного агентства по изучению рака (IARC) Всемирной организации здравоохранения «в 2020 году 19,3 миллионов населения мира выявлены онкологические заболевания и более 10,0 миллионов человек скончались от разных видов рака. Первичная опухоль центральной нервной системы (глиома), являющаяся одним из самых опасных онкологических заболеваний, выявлена у 308 102 человек, из них 215 329 человек умерли»<sup>1</sup>. Поэтому повышаются требования к разработке современных технологий точной и ранней диагностики заболеваний в сфере неврологии для изучения жизнедеятельности и своевременной диагностики, профилактики и лечения заболеваний центральной нервной системы. Во всем мире, в частности, в таких странах как Израиль, Индия, Германия, США, Япония, Франция, Российская Федерация и Узбекистан, в течение многих долгих лет учеными ведется множество научных исследований по изучению причин возникновения и механизмов протекания и лечения заболеваний центральной нервной системы.

В мире при изучении причин возникновения и процессов протекания заболеваний основных жизненно важных органов человека при патологиях в центральной нервной системе важное значение имеют вопросы исследования регуляторных механизмов жизнедеятельности центральной нервной системы. В этом плане использование математических и компьютерных моделей позволяет достичь эффективных результатов. Разработка математических моделей исследования жизнедеятельности центральной нервной системы началась в середине прошлого века и до сегодняшнего дня остается актуальной проблемой для ученых мира. Исследования механизмов возникновения и развития первичных опухолей центральной нервной системы и точное прогнозирование патологий функционирования основных жизненно важных органов и центральной нервной системы при глиоме являются важными задачами.

В Республике осуществляются различные меры по сохранению и восстановлению здоровья населения, исходя из требований времени и социального положения, принят ряд нормативно-правовых документов, составляющих основу решения данных проблем. Наряду с этим, в нашей стране особое внимание уделяется вопросам интеграции передовых научных разработок и технологий с практической сферой здравоохранения для улучшения качества предоставляемых медицинских услуг. Известно, что в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на

---

<sup>1</sup> <https://acsjournals.onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.3322/caac.21660>

2022-2026 годы особое внимание уделяется вопросам реализации таких целевых программ по совершенствованию системы здравоохранения населения как «дальнейшее реформирование сферы здравоохранения, прежде всего первичного звена, скорой и экстренной медицинской помощи, направленное на повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населения, формирование здорового образа жизни населения, укрепление материально-технической базы медицинских учреждений»<sup>2</sup>. В этом плане главной целью и приоритетными задачами определены вопросы поддержки проектов по сохранению здоровья населения и применению современных информационно-коммуникационных технологий в сфере медицины, проведению соответствующих научных изысканий.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит осуществлению задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 19 февраля 2018 года №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 4 апреля 2017 года №ПП-2866 «О мерах по дальнейшему развитию онкологической службы и совершенствованию онкологической помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», от 29 августа 2017 года №ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий», от 27 апреля 2018 года №ПП-3682 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также другими нормативно-правовыми документами, касающимися данной сферы.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии IV – «Информатизация и развитие инфокоммуникационных технологий».

**Степень изученности проблемы.** Вопросы разработки эффективных методов и средств ранней и точной диагностики заболеваний центральной нервной системы, исследования жизнедеятельности центральной нервной системы рассмотрены в работах таких ученых как В. В. Майоров, И. Ю. Мышкин, С. Ю. Коваленко, А. С. Братусь, В.В. Матросов, A.L.Hodgkin, A.F. Huxley, K.R. Swanson, P. Fries, J.D. Murrayb, Y. Kuramoto, Christian Bick, Subhas Hajanchi, G.V. Ermentrout и др. Ими были разработаны различные математические модели, вычислительные алгоритмы и компьютерные модели, исследованы изменения жизнедеятельности центральной нервной системы под влиянием внешнего воздействия и достигнуты эффективные

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».



результаты по определению причин возникновения заболеваний центральной нервной системы.

В Узбекистане В.К. Кабулов, А.В. Кабулов, Б.Н. Хидиров, М. Сайдалиева, М.Б. Хидирова, М. Арипов, Д.К.Мухамедиева, А.Р.Шакаров, А.М.Тургунов, З.Д.Юсупова и другие отечественные ученые вели на разном уровне изыскания по биологическому и математическому моделированию жизнедеятельности живых систем.

